2011 йил 25 ноябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 231 (12.042)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотига ўтказилаётган кўрик-танловнинг Тошкент вилояти босқичи якунланди. Унда 98 нафар қиз адабиёт, санъат, маданият, таълим ва фан йўналишлари бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

● Навоий давлат кончилик институтида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган «Конституцияда ёшлар ҳуқуқи» мавзусида тадбир ўтказилди.

● Наманган шаҳридаги «Туркистон» тантаналар мажмуида «Йил аёли — 2011» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Гулистон шаҳрида тадбиркорлар ҳамда аҳоли учун катта қулайликлар яратувчи «Сайхун» савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Сирдарё «Тайёрлов таъминот савдо» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган янги бозор таркибидаги дўконларнинг 300дан ортиғи тадбиркорлар ихтиёрига топширилди.

● Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 31 нафар ишчи-хизматчиларига янги уй-жойлар калитлари топширилди. Қоровулбозор шаҳрининг Имом Бухорий маҳалласида қад ростлаган коттежларда барча зарур шарт-шароитлар ва қулайликлар яратилган бўлиб, 3-6 хонадан иборат уйларнинг қурилиши учун завод томонидан 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

● Рометан туманидаги Қалайчорбоғ қишлоғида «Ҳафизобод» фермер хўжалиги раҳбари Отабек Кўзиев ташаббуси билан «Марварид» номли мажмуа қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу кўркам иншоот хўжаликнинг 100 миллион сўмдан ортиқ маблағи эвазига бунёд этилди. Ҳозир бу ерда 500 ўринли маросимлар зали, озиқ-овқат дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Муҳими, бу ерда 15 киши ишли бўлди.

● Узун туманидаги «Мажнума» корхонасида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линия ишга туширилди. Банкнинг 18,5 минг АҚШ долларилик кредити эвазига янги технология билан жиҳозланган мазкур корхона айни пайтда ойига 15 миллион сўмлик маҳсулотни мижозларга етказиб бермоқда.

### ЖАҲОНДА

● Кеча Франциянинг Страсбург шаҳрида Германия, Франция ва Италия давлатлари раҳбарлари иштирокида тор доирада евро валютасини барқарорлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

● Кеча Португалияда 24 соатлик умуммиллий иш ташлаш акцияси амалга оширилди.

● Кеча Япониянинг шимолий ҳудудларида Рихтер шкаласи бўйича 6,1 балли зилзила содир бўлди.

● Кеча Ироқнинг Басра шаҳрида амалга оширилган бир нечта террорчилик ҳаракатлари натижасида 19 киши ҳалок бўлди, 60 га яқин аҳоли турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Ҳозирча ҳеч қандай гуруҳ ушбу мудҳиш қўпорувчилик ҳаракатини амалга оширганликни ўз зиммасига олгани йўқ.

● Нью-Йоркда ўтказилган навбатдаги сессия натижаларига кўра, қимматли металларнинг улгуржи нархлари ошганлиги маълум бўлди. Жумладан, олтиннинг бир унцияси 1 7004 АҚШ доллари, кумушнинг бир унцияси 32,87 АҚШ доллари, платинанинг бир унцияси 1 571 АҚШ доллари ҳамда палладийнинг бир унцияси 605 АҚШ доллари даражасида қайд этилди.

● АҚШнинг Калифорния ва Мексиканинг Қуйи Калифорния штатлари чегарасида Сан-Диего полицияси томонидан йирик ер ости йўли топилди. Сан-Диего ва Тихуана шаҳарларини бир-бири билан боғлаб турувчи мазкур йўлнинг узунлиги 370 метрга тенг. Маълум бўлишича, ушбу йўлда 15 тоннага яқин миқдордаги гиёҳванд моддалар яшириб қўйилган экан.

● Германия олимларининг айтишича, инсон мунтазам равишда қуёш нурида тобланиши лозим. Зеро, қуёш нури саломатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Узоқ муддат қуёшда тобланган танада Д витамини миқдори ортади. Бу оқ қон доначалари фаоллигини оширади. Натижада иммунитет яхшиланиб, касалликка чалиниш хавфи камаяди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**«Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Ўзагроэкспо — 2011» еттинчи халқаро агрохўжалик кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. IEG Ўзбекистон кўргазмалар компанияси ушбу тадбир ташкилотчиси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат ассоциацияси, «Ўзгўштсутсаноат» ассоциацияси унинг расмий қўллаб-қувватловчиларидир.**




Кўргазмалар

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги энг йирик соҳа сифатида иқтисодиётнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам қишлоқ хўжалиги давлат эътиборида. Шуни алоҳида айтиш жоизки, «Ўзагроэкспо — 2011» кўргазмаси каби нуфузли анжуман қишлоқ хўжалиги соҳасида давлатимиз томонидан қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишига, мамлакатимиз қайта ишлаш саноатининг келгуси йилларда ривожланишига ҳамда тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламининг кенгайишига муҳим замин бўлиши шубҳасиз.

Мажмуанинг биринчи павильонида ҳамда очиқ кўргазма майдонларида иштирокчи компанияларнинг кўргазма ахборот стендларини айланар эканмиз, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга мазкур кўргазмада Украина, Қозоғистон, Россия, Беларусь, Жанубий Корея, Германия, Франция, Хитой каби давлатларнинг олтмишга яқин машҳур компаниялари иштироки таъминланганининг гувоҳи бўлдик. Замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда эҳтиёт қисмлари, қўшимчалар илғор Европа, Россия, Украина, Беларусь ва Хитой давлатларининг ишлаб чиқарувчилари томонидан очиқ кўргазма майдонларида ва иштирокчи компанияларнинг кўргазма ахборот стендларида кенг намойишга қўйилган. Уларда экин экиш, ўғитни қайта ишловчи техника, тракторлар ва дон йиғиш техникаси, минерал ўғит пуркагичлари, озуқа тайёрлаш жиҳозлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, паррандачилик ва қорамолчиликда қўлланиладиган замонавий технологиялар нафақат соҳа етакчиларини, балки истеъмолчилар эътиборини ҳам ўзига тортмоқда.

Мустақиллигимиз шарофати билан йилдан йилга юртимизда маҳаллий мева ва сабзавотлардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ошиб бормоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, музлатиш технологиялари такомиллашиб бормоқда. Бу каби сифатли жиҳоз ва ускуналар билан «Музинтекс» қўшма корхонаси, «Довон» МЧЖ (Ўзбекистон), «Celtic» (Голландия), «Colling Olieperes» (Украина) ва бошқа компанияларнинг стендларида танишиш мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар бўлимида маҳаллий ва чет эл корхоналари истеъмолчиларга экологик тоза ва юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини таклиф этмоқдалар. Улар орасида «Тошкентёғмой комбинати» ОАЖ борлиги ҳам эътиборга лойиқдир.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Сўз — халқаро симпозиум иштирокчиларига

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИГА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

**Тошкент шаҳрида 25-26 ноябрь кунлари «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиум бўлиб ўтади. Мазкур халқаро анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилар иштирок этади.**

*Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари халқаро симпозиум ишида иштирок этиш учун келган меҳмонларнинг айримлари билан суҳбатлашди.*



**Стефано МАРИОНЕЧИ, Милан шаҳри кардиожарроҳлик клиникаси болалар кардиожарроҳлиги бўлими бошлиғи (Италия):**

– «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумда қатнашиш имконига эга бўлганимдан хурсандман. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган қисқа даврда тиббиёт соҳасида, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини асраш масалаларида улкан ютуқларга эришганидан хабардорман. Буни кардиожарроҳлик соҳасида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатингизда болаларда учрайдиган туғма юрак нуқсони хасталигининг барча турларини жаҳон андозалари даражасида даволаш ва болаларга соғлом ҳаёт бахш этишга эришилмоқда. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт тизимини ривожлантириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида шаклланган замонавий тиббиёт масканлари бундай улкан ютуқларда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистонга ташрифимиз асносида Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази базасида янги кардиожарроҳлик бўлими қуриб битказилганига гувоҳ бўлдик. Демак, кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва кўлами янада юксалади.

Ўзбекистонда бу борада эришилаётган муваффақиятлар жаҳон тиббиёти ютуқларини янада ривожлантиришга муносиб улуш бўлиб қўшилади.

**Лоренсо БОННИ, Мадрид шаҳри госпиталининг болалар жарроҳлиги бўлими бошлиғи (Испания):**

– Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида бўлиб ўтаётган операцияларда иштирок этиб, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашмоқдамиз. Ўзбекистон шифокорларининг юксак маҳорати ва болалар саломатлигини асраш бўйича ёндашувларига ҳавас қилса арзийди. Болаларда учрайдиган туғма юрак нуқсонини даволаш ниҳоятда масъулиятли жараён. Бунинг учун замонавий технологиялар билан жиҳозланган тиббиёт масканни, кардиолог, кардиожарроҳ, анестезиолог, перфузиолог каби малакали мутахассислар гуруҳи, алоҳида ҳамширалик парвариши талаб этилади. Ўзбекистонда бу борада яратилган шароитлар ва амалга оширилаётган оператив муолажалар халқаро стандартларга тўла мос келади. Айтиш керакки, болаларда учрайдиган бундай нуқсонларнинг олдини олишда она ва бола скрининг текшируви муҳим омил ҳисобланади.

*(Давоми 2-бетда)*

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 24 ноябрь куни Ўзбекистон ва Покистон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

## ЎЗБЕКИСТОН-ПОКИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, кимё, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, қурилиш ҳамда машинасозлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон — Покистон савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларининг ҳуқуқий асосини даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамда божхона соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ташкил этади.

Мамлакатимизда покистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган 68 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур давлатнинг ўнга яқин фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

Покистон савдо-саноат палаталари федерацияси президенти, ушбу мамлакатнинг Миллий Ассамблеяси аъзоси, сенатор Ҳожи Ғулом Али Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

– Покистон Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда, – деди Ҳожи Ғулом Али. – Биз, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Покистон иш одамларининг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқиши тобора кучайиб бораётир.

Анжуманда Покистоннинг йигирмадан зиёд компаниясидан вакиллар иштирок этди. Хусусан, «Weave and Knit», «Taimur Spinning» (тўқимачилик), «Syntex Pharma» (фармацевтика), «Indus Pipe Mill Thatta Cement» (қурилиш) каби компаниялар Ўзбекистон бозоридаги фаолиятини кенгайтириш ниятида эканлиги қайд этилди.

Покистонлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, Покистон компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ўртасида савдо-иқтисодий, илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида «Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш материалларининг рацион назоратини амалга оширувчи синов лабораториясини ташкил этиш» лойиҳаси бўйича брифинг бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат Техника университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейида ўқувчи-ёшлар билан театр актёрларининг учрашуви ташкил этилди.

✓ **САВДО**-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасида «Тадбиркорлик куни» ўтказилди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

# ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАГИ ИЛДАМ ҚАДАМЛАР

**Ўтмишдан маълумки,ислоҳотлар йўлини белгилаш ва уни амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш жуда катта билим, тажриба, мамлакат тақдирига жавобгарлик ҳисси, истиқбол учун қайғуриш туйғуси ва энг муҳими, кучли сиёсий иродани талаб қилган. Республикамизнинг ҳар бир фуқароси ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб, тинч ва осойишта ҳаёт кечираётган бугунги кунда давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки даврда амалга оширилиши кўзда тутилган ислоҳотлар тўғри танланганлиги ва ҳозирда белгиланган мақсадлар йўлидан илдам бораётганлигимиз яққол намоён бўлмоқда деб бемалол айтиш мумкин.**

Миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш жараёнида, аввало, унинг ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланиши мамлакатнинг тараққиёт йўли, халқнинг тақдири ва келажагини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг туб моҳиятида ана шундай мақсад мужассам ва у амалда ўзининг юксак самараларини бераётганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган вақт ичида бу борада Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, икки палатали парламентни вужудга келтириш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари вазифа ва ваколатларини кучайтиришга қаратилган йирик ислоҳотлар амалга оширилди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки даврда ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифасини қўйди. Ушбу вазифани амалга оширишда ижро ҳокимияти органлари ўзига хос ўринга эга. Чунки давлат ҳокимияти органлари тизимида ижро ҳокимияти органлари алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, буюк француз маърифатпарвари Ш.Монтескьенинг «Менга яхши қонунлари кўп давлатни эмас, балки қонунлари самарали ижро этиладиган давлатни кўрсатинг», деган фикри нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Чунончи, қонунлар қанчалик демократик, адолатли ва халқчил бўлмасин, улар ижро этилмаса ўзининг аҳамиятини буткул йўқотади. Қонунларнинг ижросини эса ижро ҳокимияти амалга оширади. Ижро ҳокимияти органлари фаолиятларини назорат қилиш эса ушбу фаолиятнинг самарасини ва сифатини назорат қилиш ҳамда уни баҳолашда юқори аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган маърузаси бу борадаги амалга оширилган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида қўйилган илдам қадамдир.

Ушбу Концепцияда давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасини янги таҳрирда баён этиш таклиф қилинди. Унга кўра мамлакатимизда биринчи марта демократик принципларга тўлиқ жавоб берувчи, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиб ўрнатилмоқда.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан мутлақо янги конституциявий институт – санкцияланган парламент назорати, яъни ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилиши ҳокимиятнинг олий органлари тизимидаги муҳим янгиликлардан биридир.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади. Парламент назоратидан фарқли ўлароқ ишончсизлик вотуми аниқ ва тугал оқибат келтириб чиқарувчи амалий воситадир. Президент номига расман киритиладиган таклиф орқали Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ташаббуси Қонунчилик палатаси депутатларига берилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партиялар фракциялари ва парламентнинг ролини сезиларли даражада оширади.




Мазкур ислоҳотлар фақат қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи органларнинг ваколатларинигина ўзгартиришда эмас, балки давлат қурилиши тизимига, қолаверса, бутун сиёсий тизимга чуқур таъсир кўрсатиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи куниданоқ танлаб олинган демократик тараққиёт йўлидан оғишмай, босқичма-босқич эволюцион йўл билан олдинга қараб интилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан Концепцияда кўзда тутилган ушбу таклифлар давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштиришда, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг халқ олдидаги масъуллигини оширишда, шунингдек, фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишда катта аҳамият касб этиши шаксизшубҳасиздир!

**Авазбек БОЗОРБОЕВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти магистри**



# ИСТЕЪДОДЛАРНИ РУҲЛАНТИРАЁТГАН ТАНЛОВ

**Мана бир неча йилдирки Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган севимли шоира Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар сараланиб, совриндорлар аниқланмоқда. Ушбу мукофотга Зулфиянинг номи берилгани бежиз эмас, албатта. Чунончи, Зулфия жамиятнинг барча соҳаларида фаол иштирок этаётган хотин-қизларнинг ижодий меҳнати, қувончу ташвишларини жўшиб куйлаган шоира, ўзбек журналистикасига муносиб ҳисса қўшган публицист, жаҳон адабиётининг буюк намояндалари ижодини ўзбек тилига ўгирган моҳир таржимон сифатида бундай мақомга муносибдир.**

Айтиш жоизки, бугунги кунда юртимизда ушбу мукофотга номзодлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бир-биридан доно, лобар, билимли, барча соҳаларда истеъдодли қизлар «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловида иштирок этиб, ўз иқтидорларини синовдан ўтказмоқдалар. Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг адабиёт, фан, таълим йўналишлари, Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган махсус академик лицейида эса маданият ва санъат йўналишлари бўйича Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Танловда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқиб иштирокчи қизларни муборакбод этар экан, мазкур мукофот аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидан иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълимни ривожлантиришдаги ютуқларини, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилганлигини қайд этиб ўтди.

Шуни таъкидлаш керакки, Тошкент шаҳри бўйича жорий йилда танловнинг илк босқичларида пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактабларидан кўплаб иқтидорли қизлар қатнашган, уларнинг 367 нафари танловнинг туман босқичларида иштирок этган, Зулфия номидаги Давлат мукофоти шаҳар комиссиясига тавсия этилган номзодлар сони 47 нафарни ташкил этди.

Танловнинг шаҳар босқичида иштирок этган 47 нафар лобар қизларнинг истеъдодларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб бордилар.

— Ушбу мукофот ёрқин ва бетакрор истеъдод эгалари бўлган қизларимизни ҳар томонлама рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида муҳим омил бўлмоқда, — дейди танловнинг ҳайъат аъзоси, Тошкент Давлат маданият институти «Халқ ижодиёти» кафедраси мудири, профессор Саодат Йўлдошева. — Мазкур мукофотга номзодлар сафи тобора кенгайиб бораётгани унинг нуфузи йилдан-йилга юксалаётганидан далолатдир. Танловнинг шаҳар босқичида иштирок этган қизларнинг иқтидорини кўриб жуда қувондим. Айниқса, адабиёт, фан, таълим, маданият йўналишида қизларнинг билими, истеъдоди, изланишлари, яратган ихтиролари кўпчиликнинг эътиборини тортди. Қизларнинг ҳар бири ўзига хос истеъдод эгаси. Ўйлайманки, танлов иштирокчилари келгусида ўз соҳаларининг етук мутахассиси бўлиб, жамиятимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадилар, албатта.

— Ҳар бир инсон улғайиб камолга етар экан, орзу-мақсад билан яшайди, — деди танлов иштирокчиси, Юнусобод туманидаги 260-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Донохон Бахтиёрова. — Мен адабиётга, шеъриятга жуда қизиқаман. Кўплаб шеърларим матбуотда эълон қилинган. «Атиргул» номли илк тўпламим нашрдан чиқди. Танловнинг шаҳар босқичида номзодлар қаторида ўрин олганимдан бахтиёрман. Ушбу танлов биз ёшларни яна ҳам кўпроқ изланишга, билим олишга, истеъдодимизни янада оширишга чорламоқда. Мақсадим, Зулфияхоним сингари шоира бўлиш, ўзбек адабиёти ривожига ўз ҳиссамни қўшишдан иборат.

Дарҳақиқат, танлов иштирокчилари орасида Донохон каби ўз истеъдоди билан кўплаб ютуқларга эришган ёшлар талайгина.

Танловнинг шаҳар босқичида қизлар адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим йўналишларида ўз иқтидорларини намоён этиб, муносиб баҳоларга сазовор бўлдилар ва ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Улар орасидан саралаб олинган энг иқтидорли қизлар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

**Қишки мавсумда аҳолини иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлашда қандай муаммолар юзага келмоқда? Бу борада истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишда нималарга эътибор қаратилмоқда? Шу саволларга жавоб топиш ва соҳага тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш каби масалалар хусусида батафсил маълумотлар бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Анжуманлар

# ТЕГИШЛИ ТАВСИЯЛАР КИРИТИЛДИ

«Иссиқлик таъминоти соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзуида ўтказилган мазкур тадбирда бир қатор вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК вакиллари, қўмитанинг масъул ходимлари, пойтахтимиздаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзолари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси мутасаддиларининг таъкидлашича, қўмитага истеъмолчилардан иссиқлик таъминоти бўйича тушган мурожаатлар коммунал хизматлар кўрсатишга доир мурожаатларнинг деярли 30 фоизини ташкил этади. Айтиш керакки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 200 дан зиёд ёзма аризалар тушган ҳамда ишонч телефонларига ҳам мурожаатлар бўлган.

Пойтахтимиз истеъмолчиларидан келиб тушган ариза ва шикоятлар таҳлил этилганда шу нарса аён бўлдики, улар асосан иссиқлик энергиясининг етарли даражада етказиб берилмаётгани, таъминлаш борасидаги узилиш ҳолатлари, иссиқ сувнинг меъёрдаги ҳароратдан пастлиги, хоналарни қайта жиҳозлаш, яъни иситиш асбоб-ускуналарини демонтажлаш, иситиладиган турар жой майдонлари бўйича маълумотлардаги тафовутлар, иситиш тизимлари ҳолатининг талаб даражасида эмаслиги ва бошқа муаммолардан иборатдир.

Тадбирда қўмитанинг бу борада шаҳар ҳокимлиги ва «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК билан биргаликда амалга ошираётган чора-тадбирлари таъкидлаб ўтилди. Жумладан, иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни етказиб беришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш бўйича амалий ишлар бажарилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фақатгина 2011 йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида истеъмолчиларга асоссиз ҳисобланган 7 миллион сўмга яқин қарздорлик қайта ҳисоб-китоб қилинганлиги ҳам чора-тадбирлар самарасидир.

Давра суҳбати мутасадди ташкилотлар ва истеъмолчилар ўртасида мулоқот тарзида ўтиб, фақатгина саволларга жавоб берилмай, кўзланган мақсад юзасидан ҳар ким ўз фикр-мулоҳазасини ўртага ташлади. Мулоқотда иссиқлик энергиясини сифатли етказиб бермаслик ёки таъминотдаги узилишлар сабаблари, кўрсатилмаган ёхуд сифатсиз хизматлар учун олинган ҳақни қайта ҳисоб-китоб қилиш, иссиқлик қуввати етказиб берувчи ва хусусий уй-жой мулкдорлари ўртасидаги муносабатлар, иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва иситиш даврида уларнинг асосий ҳуқуқ, мажбурият ҳамда вазифалари ва соҳага оид бошқа кўплаб масалалар муҳокама қилиниб, тадбир иштирокчилари томонидан тегишли таклиф ҳамда тавсиялар киритилди. Албатта, бундай очиқ мулоқотлар хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муаммоларни бартараф этиб, намунали хизматни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

# ФИЛИАЛ РИВОЖЛАНИШИ ЙЎЛИДА

**«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали тармоқ фаолиятини янада яхшилаш, хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш борасида ижобий натижаларга эришмоқда. Ҳозир мазкур тармоқда 90 та автомат телефон станцияси ва кўчма концентраторлар хизмат кўрсатмоқда.**

Барча АТСларнинг умумий қуввати 658,3 мингта рақамни ташкил этаяпти.

Шу йилнинг ўтган олти ойи ичида 5729 та телефон ўрнатилди. Янги технологияни татбиқ этиш йўналишида Тошкент шаҳридаги 124 та объектга оптик бокслар ўрнатилган бўлиб, ҳозирда 461 та объектга 72 километр оптик толали алоқа кабели ётқизилди.

Жорий йилдан бошлаб Мирзо Улуғбек телефон боғламаларида мижозларга қарздорликлари тўғрисида хабар бериш хизмати йўлга қўйилди.

Тошкент алоқа касб-ҳунар ва Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежлари «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалига бириктирилди.

**Акбар АЛИЕВ**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИГА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистонда скрининг хизматининг ривожлангани, ҳомиладор аёлларга ўз вақтида малакали тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилгани соғлом авлод дунёга келиши ва болаларда кардиологик хасталикларнинг олдини олишда ўз самараларини бермоқда. Халқаро симпозиум доирасида мамлакатингизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ва ютуқлар билан янада кенгроқ танишиш, олимларингиз ва шифокорлар билан ўзаро тажриба алмашиш, кардиология, кардиожарроҳлик, реанимация шароитларини ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашиш шифокор сифатида менга катта фойда беришига ишонаман.

**Арианна ПЛЕБАНИ хоним – Италиянинг «Болаларга ёрдам» халқаро хайрия ташкилоти вакили:**

– Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Лекин Ўзбекистонда болаларга ўзгача меҳр-эътибор, ғамхўрлик кўрсатилишини кўрдим. Мамлакатингизда бўлиб ўтадиган халқаро симпозиумда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан етук олимлар иштирок этиши Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида тўпланган катта тажрибага жаҳонда қизиқиш ортиб бораётганидан далолатдир.

Ушбу нуфузли анжуманда мамлакатингизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганилади, муҳокама этилади ва олинган назарий ҳамда амалий ечимлар бутун дунё бўйлаб тарқалади. Ана шундай муҳим симпозиумда иштирок этиш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман ва унда ўзимнинг келгуси фаолиятим учун кўплаб муҳим янгиликларни кашф этишимга ишонаман.

**Ануп РАЖ, «Holy Angels Hospital» шифохонаси директори (Ҳиндистон):**

– Ўзбекистонга илгари ҳам келган эдим. Шу боис мамлакатингизда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самаралардан хабарим бор. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда тиббиёт тизимини ривожлантиришнинг энг тўғри механизмлари ишлаб чиқилган ва бу борада катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида эришаётган ютуқлари жаҳон миқёсида кенг эътироф этилмоқда. Мамлакатингиз дунёдаги нуфузли «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлашда катта ғамхўрлик кўрсатаётган жаҳондаги энг етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани ҳам бу борада олиб борилаётган изчил ишларнинг юксак самараларидандир.

**Роланд ВАУЭР, «Charite» клиникаси профессори (Германия):**

– Жаҳон тиббиётининг энг кўзга кўринган олим ва мутахассислари иштирок этаётган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумда иштирок этиш катта имкониятдир. Ташрифим давомида Тошкент шаҳридаги Республика перинатал марказида «Неонатал шошилинч ёрдам, реанимация ва сунъий вентиляция» мавзуида мастер-класс ўтказиш имконига эга бўлдим.

Қайд этиш жоизки, ҳар бир аёлнинг жисмоний ва руҳий аҳволини синчиклаб ўрганиш, вужудида ривожланаётган ҳомилани дунёга соғлом ҳолда келтиришнинг илмий-амалий асосларини яратиш, кўп жиҳатдан энг замонавий тиббий технология имкониятларидан, янгиликлардан кенг фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Ушбу марказ бу борада қўлланиладиган сўнгги русумдаги замонавий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланганининг гувоҳи бўлдим. Ҳомила ривожланишини, онанинг жисмоний ҳолатини юқори аниқликда намоён этадиган бу технологиялар касалликларга тез ва аниқ ташхис қўйиш, тиббий муолажаларни юқори савияда ташкил этиш имконини бермоқда. Бу Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

**Паул ФОГТ, «EurAsia Heart» тиббиёт жамғармаси асосчиси, «Im Park» клиникаси директори, кардиохирург, профессор (Швейцария):**

– Жамғармамиз Европа ва Осиё мамлакатлари билан тиббиёт йўналишида яқин ҳамкорлик қилиб келади. Ташрифим давомида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида юрак ишемик касаллиги бўйича жарроҳлик операциясида қатнашиш имконига эга бўлдим.

Ўзбекистонда кардиожарроҳликни такомиллаштириш, ушбу тизимга юқори технологияларни жалб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдим.

Ўзбекистонга аввалги ташрифим давомида энг қадимий шаҳарлар – Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилиш, тарихий ва меъморий обидаларингизни кўздан кечириш ва улардан маънавий куч-қувват олиш бахтига муяссар бўлган эдим. Бу галги ташрифим асносида ҳам Самарқандни зиёрат қилиш истагидаман. Чунки бу афсонавий шаҳарнинг бой тарихи, бугунги ривожига қизиқишим жуда катта. Ўзбекистоннинг бетакрор урф-одатлари, бағрикенг ва ширинсухан одамлари кишида унутилмас таассурот қолдиради.

**ЎзА мухбирлари**
**Баҳор ХИДИРОВА,**
**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Мадина УМАРОВА ёзиб олди**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Такрорий аукцион савдосига Ҳамза туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 2 июндаги 1110/7695-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 13/22-уй манзилда жойлашган, «Lok Kolor Sintez» МЧЖ ҚКга тегишли бўлган Блок «5» ёрдамчи ишлаб чиқариш корпуси ва қозонхона жами майдони 6720,0 кв.м., Блок «7» маъмурий бино жами майдони 2629,0 кв.м., Блок «20» бош ишлаб чиқариш корпуси жами майдони 6259,0 кв.м.дан иборат бўлган кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 2 500 000 000 сўм.**

**Аукцион савдолари 2011 йил 12 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

**Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001

